

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОЛARНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 32 (1263)

2020 ЙИЛ 20 АВГУСТ

ТАЙИНЛОВ



Алишер Акмалович Муратов "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Башқаруви Раиси этиб тайинланди.

Алишер Муратов бунга қадар "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Башқаруви раиси вазифасини вақтнчалик бажариб келаётган эди.



Умарова Санобар Расул қызы "Асака" акциядорлик тижорат банки раисининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланди.

Ушбу тайинлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги холосасига кўра амалга оширилди.

Finance.uz

"МИКРОКРЕДИТБАНК" КРЕДИТ РЕЙТИНГИ "БАРҚАРОР"

Жорий йилнинг июнь ойида "Ахборот-Рейтинг" рейтинг агентлиги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг миллий шкала бўйича кредит рейтингини "узА" даражасида ва "Барқарор" прогнози билан тасдиқлади.

"Микрокредитбанк" АТБга берилган "узА" рейтинги банкнинг кредитта лаёқатлилик даражасини жуда юкори деб баҳолайди ҳамда банк фаолиятидаги кредит таваккалчилигини

жуда паст даражада эканлигини ифодалайди.

"узА" рейтинги соҳиби бўлган банк кредиторлар, депозиторлар ва инвесторлар олдидаги молиявий мажбури-

ятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш бўйича жуда юқори салоҳиятли банк, деб эътироф этилади.

MIKROKREDITBANK



Еининг Статистика бошқармаси тақдим этган маълумотга кўра, Евроҳудуддаги 19 мамлакатнинг ЯИМ кўрсаткичи 2020 йил II чоракда ундан аввалигча чоракка нисбатан 12,1 фоизга камайди.

ЕВРОҲУДУД ИҚТИСОДИЁТИ БИР ЧОРАКДА 12 ФОИЗ ҚИСҚАРДИ

Таъкидланганидек, евроҳудуд иқтисодиёти рецесия ҳолатига тушиб қолди. Сабаби ЯИМ кўрсаткичи тушиб кетиши 1995 йилдан бўён кузатилган энг сезиларни пасайишга тенглаштирилди. Йиллик ҳисобда евроҳудуд ЯИМ кўрсаткичи 15 фоиз қисқарди.

Айни пайтда ЯИМнинг рекорд даражада тушиб кетиши Германия (аввалигча чоракка нисбатан 10,1 фоиз кам), Франция (13,8 фоиз камайиш), Италия (12,4 фоиз) ва Испания (18,5 фоиз)га тенг бўлди, дейилади Trading Economics хабарида.

Таъкидлаш жоиз, биринчи чоракда евроҳудуд ЯИМ кўрсаткичи 3,6 фоиз қисқарган бўлса, йиллик ҳисобда бу пасайиш 3,1 фоизга етди.



Айни пайтда Европа Иттифоқининг 27 та мамлакат ЯИМ кўрсаткичи умумий ҳисобда иккинчи чоракда 11,7 фоиз, йиллик ҳисобда 14,1 фоиз қисқарди.

Ва ниҳоят, евроҳудудда иш билан банд бўлгандар сони аввалигча чоракка нисбатан 2,8 фоиз, ЕИДА бу кўрсаткичи 2,6 фоиз камайди. Евроҳудудда 2019 йил иккинчи чоракка нисбатан иш билан бандлилик даражаси бўйича 2,9 фоиз, ЕИДА 2,7 фоиз кам натижагайидэ этилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН 500 МЛН. ДОЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.



Қарорнинг қисқача мазмуни билан қўйида танишишингиз мумкин:

1. Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистонда "Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) молиялаштириш учун:

30 йил мuddатга 10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 181 млн доллар мидорида қарз;

Халқаро тараққиёт уюшмаси кўлумини кенгайтириш дастурининг 100 млн доллар мидоридаги кредити;

Халқаро тараққиёт уюшмасининг 5 йиллик имтиёзли давр билан 219 млн доллар мидоридаги имтиёзли кредити ажратилмоқда.

Молия вазирлигига ажратиладиган маблағларни қайта кредитлаш битимларни имзолаш, зарур ҳолларда, уларга ўзgartариш ва кўшимчалар киритиш ваколати берилмоқда.

(Давоми 5-саҳифада)



Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги "Делойт" компанияси-нинг маҳаллий оғисига инвестиция маслаҳатчиси лицензиясини берди, бу компанияга қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг мумомаласи бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш, қимматли қоғозлар бозори ва унинг иштироқчиликни холатини таҳлил қилиш ва прогнозлаш, шунингдек хусусийлаштиришига ёки бирламчи оммавий таклифига (IPO) тайёргарлик кўраётган компанияларга маслаҳатлар бериш имконини беради.



"ДЕЛОЙТ" ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ МАСЛАҲАТЧИСИ ЛИЦЕНЗИЯСИНИ ОЛДИ

"Халқаро консалтинг компаниялари томонидан Ўзбекистон капитал бозорига бўлган қизиқишинг ортиши ҳамда улар сонининг кўпайиши кувонарли хол аблабта. Ушбу эътибор яна бир бор шуни кўрсатади, миллий капитал бозорини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ўзғаришлар – либерализация ва халқаро ҳамжамият ишончининг ортиб боришига шарот юратмоқда. Шунингдек, Агентлик молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи молия бозорларининг барча профессионал иштироқчиларини фаoliyatlari лицензиялашади жалб қилишда фаол ва принципиал позицияни згаллайди" – деб таъкидлади Капитал бозорини ривожлатнириш агентлиги директори Атабек Назиров.

Агентлик директори "Делойт" компаниясининг бошқарувчи ҳамкори Эркин Аюповга қимматли қоғозлар бозорида консалтинг хизматларини

кўрсатиш имконини берувчи лицензияни топшириди.

"Ўзбекистонда бозор инфраструктураси ривожланниши билан қимматли қоғозларга бўлган қизиқишинг ортиб бормоқда. Инвестиция маслаҳатчиси лицензияси бизнинг халқаро экспертизаси билим ва тажрибалари билан ўртоқлашиб имкониятини беради. Биз доимо мижозларимизга ўз вақтида ва энса самарали қарор қабул қилишларида ёрдам берувчи стратегия ва инструментлар ҳакида атрофлича маълумот берабир бора-миз. Аминизки, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва "Делойт" ҳамкорлигидаги сайдъ-ҳаракатлар мамлакатимиздаги инвестицион мухитнинг ривожланнишига ўз хиссанни қўшади" – деб ўз фикрини билдири "Делойт"нинг Ўзбекистондаги раҳбари Эркин Аюпов.

Finance.uz

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИДА КАМАЙИШ

2019-2020 й. январь-июль ойларидағи трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми

(млн. АҚШ долл.)



© <https://t.me/centralbankuzbekistan>

Республикамизга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 3 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 217 млн. долларга ёки 7 фоизга камайди.

Чет элга юборилган трансчегаравий пул ўтказмалари микдори 516

млн. долларга этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 47 млн. долл. ёки 8 фоизга камайди.

Натижада трансчегаравий пул ўтказмалари бўйича ижобий сальдо 2,5 млрд. долларга этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 50 фоизга ёки 842 млн. долларга ошиди.

"ТРАСТБАНК": МИЖОЗЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БОРАСИДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Яқинда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ва Давлат ихтиос-сплаштирилган Россия Экспорт-импорт банки (РЭМ гурухига кирувчи Росэксимбанк) ўртасида "Трастбанк" ХАБга қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли молиявий ресурслар ажратишга доир Ҳадланган кредит битими имзоланди.



Ушбу келишув асосида "Трастбанк" ХАБ корпоратив мижозларига "ЭКСАР" Экспорт-Кредит агентлиги томонидан сугурута харажатари қоплаб бериладиган, Россия Федерацияси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар, хизматлар, хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар сотиб олиш ва бажарилган ишлар учун тўловларни амалга ошириш мақсадида молиялаштиришин таклиф қилиши имконига эга бўлади.

Мамлакатимиз банк тизимининг ажралмас қисми ҳисобланувчи "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки, халқаро молия институт-


лари ва хорижий банклар билан ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш бўйича фаол чораларни кўрмоқда. Ҳадланган кредит Битимини имзолаш билан "Трастбанк" ХАБ савдони молиялаштириш бизнесини фаоллаштиради, мижозларнинг таши иқтисодий лойиҳаларини қўллаб-куватлаш имкониятларини кенгайтиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси билан ўзаро манфаатли шериклик ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Finance.uz

ВАЛЮТА ОЛДИ СОТИСИДА ЎСИШ КУЗАТИЛДИ

2019-2020 й. январь-июль ойларида жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган валюта операциялари ҳажми

(млн. АҚШ долл.)



© <https://t.me/centralbankuzbekistan>

Жорий йилнинг январь-июль ойларида жисмоний шахслар томонидан сотилган чет эл валютаси микдори 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, аввалиг юйиннинг мос даврига нисбатан 50 фоизга ёки 486 млн. долларга ошиди.

Жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган валюта ҳажми эса 2 млрд. долларга тенг

бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 баробар ошиди (2019 йилнинг мос даврида - 686 млн. долл.).

Натижада ушбу операторлар бўйича ижобий сальдо (софтаклиф) 501 млн. долларга этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 489 млн. долларга ёки 49 фоизга камайди.

БУХОРОДА ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

"Микрокредитбанк" ўз мижозларига самарали ҳамда кенг кўллами хизмат кўрсатиш, шунингдек, мижозлар сафини янада кенгайтириш мақсадида навбатдаги "Банк хизматлари маркази"ни Бухоро вилоятининг Фиждуон туманида ишга тушириди.



Ушбу марказда мижозларга мутахассислар маслаҳатини олиш, ҳисобракам очиш ва кредит олиш учун ариза бериш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда ҳалқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти яратилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур худудда шу вақта қадар кийим-кечак дўйонлари, чойхона,

тўзаллик салонлари, кўп қавати уйлар, мактаб, болалар боғчаси каби кўллаб ташкилотлар фаолият юритаётган бўлиб, банк хизматларига эҳтиёж катта эди. Мазкур масалани ҳисобга олган ҳолда "Микрокредитбанк" аҳолига қулий жойда ўз марказини очди.

Айни пайтда "Микрокредитбанк" томонидан банк фаолиятини молијавий согломлаштириш,

операцион ҳаражатларни оптималлаштириш ҳисобига хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш мақсадида 60 та ихчам ва кам ҳаражат талаб қилувчи "Банк хизматлари марказлари" фаолияти ийлуга кўйилди. Ушбу амалиётларни келгусида ҳам давом эттириб, жорий йил якунiga қадар жами 90 та замонавий марказлар ишга туширилиши режалаштирилган.

"Ипотека-банк"нинг республиканинг барча ҳудудларида чакана (универсал) кассалари фаолият ташкил этилган бўлиб, шундан 101 тасида ҳалқаро пул ўтказмалари бўйича хизматлар ҳам кўрсатилмоқда.



"ИПОТЕКА-БАНК": БАНК ФИЛИАЛЛАРИ ЕТАРЛИ НАҚД МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН

Хусусан, банк филиаллари томонидан Золотая Корона, Unistream, Western Union, MoneyGram, Contact тўлов тизимлари орқали ҳалқаро пул ўтказмалари бўйича хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Шу кунларда айрим интернет нашрларида банк филиалларида нақд маблағлар етишмаслиги сабабли ҳалқаро ўтказмаларни олиша навбатлар юзага келәётгани ҳақида билдирилган. Мазкур хабар асоссиз бўлиб, айни дамда барча банк филиаллари етарли миқдорда нақд миллий ва хорижий валюта маблағлари билан таъминланган ва маблағлар етишмаслиги сабаб бўлишининг олдини олишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда банк филиаллари ва кассаларида карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат кўрсатилмоқда. Филиаллар ва кассалар вирус тарқалишидан ҳимоя қилувчи воситалар билан таъминланган, кириш қисмларига эса дезинфекциялаш туннеллари ўрнтилган.

Шунингдек, коммунал ва бошқа тўловларни тўлашда банкимизнинг мобил иловаси ёки бошқа иловалардан кенг фойдаланиши ҳамда "Paysend" ва "KoronaPay" иловалари орқали кўпгина давлатлардан ҳалқаро пул ўтказмаларини банк карталарига жўнатиш имконияти яратилганини ҳам маълум қиласиз.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банк – ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ишбилармонларга, фаолиятини кенгайтироқчи бўлган кичик ва йирик тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий кўллаб-куватлашга, қолаверса лойиҳаларни амалиётга тадбири этишда ҳам яқин қўмакчи, ишончли ҳамкор сифатида фаолият олиб бормоқда.

“АГРОБАНК” – ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Банк томонидан ҳозирда жаҳон ҳамжамияти ва юртимизда кузатилаётган пандемия шароитида аҳоли ва мижозларга банк хизматларини кўрсатишда тиббий гигиеник талаблар асосида ҳамда мақсадли иқтисодий тартибида олиб борилаётганини ҳам эътироф этиш ўринлидир.

комбайни сотиб олинди. Лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли 16 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу корхона нафақат ўз фаолиятини кенгайтишига балки, кўшимча иш ўринлари яратилиши орқали худуд аҳолисининг моддий манбаётдорлигини таъминлашга эришгандиги таҳсинга лойиҳидир.



Хусусан, Сирдарё вилоятининг сув тошкениндан талафот кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманинда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида ҳам банк томонидан муайян чора-тадбирларни амалга ошириб келинмоқда.

Хеч кимга сир эмаски, ҳозирда мазкур худудларда тадбиркорлик фаолиятини янада фаоллаштириш, бизнес вакилларига молиявий қўмак бериш, ишбилармон вакилларининг тижиорий лойиҳаларини кўллаб-куватлаш устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Банк томонидан ушбу худудларда ҳам кўллаб тадбиркорларнинг бизнес режасига асосан тижиорий лойиҳаларни молиялаштириш борасида устувор ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Сардоба туманинага "Imkon qadid" МЧЖ-нинг қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига техника хизматини кўрсатиш бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун банк томонидан 2 миллиард 950 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилиши натижасида 8 дона галла ўриш

Бу борадаги ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, Мирзаобод туманинага "Тожмаҳал янгибод" фермер ҳўжалиги томонидан экинларни замонавий талаблар асосида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш мақсадидаги бизнес-лойиҳасига асосан банкнинг Мирзаобод филиалидан 2 миллиард 200 миллион сўмлик кредит маблағи молиялаштирилди. Бу лойиҳа нафақат сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулот этишириши кўламини ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Шуниси қувонарлики, мазкур кредит маблағи асосида кўшимча 5 та янги иш ўрни яратилиганидир.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, "Агробанк" АТБ Сирдарё вилоятининг сув тошкениндан талафот кўрган худудларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг баъзанинг мижозларнинг банк хизматларига бўлган талабини тўлашонли қондириш мақсадида фаол иш олиб бормоқда ва бу эса иқтисодиётимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилмоқда.


ТЕМИР ИНТИЗОМ – ЭНГ БИРИНЧИ МАСАЛАДИР

Шу кунларда Президент Шавкат Мирзиёев хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларига муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш чора-тадбирлари юзасидан йигилиш ўтказди. Унда юртбошимиз “Темир интизом” ҳаммамиз учун энг биринчи масала бўлиб қолиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан карантин чораларининг юмшатилиши кўпчиликда карантин буткул тугади деган таассурот уйғотмоқда. Буни кўча-кўйда ниқобсиз ёки уни номигагина илиб олган кишилар сони ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Бу ҳолат айнича, ёшларда кўпроқ сезилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда карантин чоралари бошланганидан бери ОАВларида, барча ташкилоту ишхоналарда коронавирус юқмаслигини олди олишга қаратилган кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Унинг аянчли оқибатлари ҳақида эса ҳар куни хабардор бўлиб турибиз. Аммо шунча саъй-ҳаракатларга қарамасдан аҳоли орасида хушёрликни унугтан, вирус балосидан ўзини асрамайдиганлар етарларча экани аянчли ҳодир. Минг афсуски, уларнинг локайдлиги сабаб ўзгалар азият чекиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун бугунги мураккаб шароитда ҳар бир кишидан юртбошимиз таъкиди



билан айтган “Темир интизомга” амал қилиш мажбуриятта айланмоғи зарур. Айнича, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда. Шу жумладан, банк хизматларини кўрсатувчи масканларда ҳам бу қоидага амал қилиш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиши керакки, бугунги кунда банк томонидан мижозлар ва банкка ташриф буюрувчилар хавфсизлиги учун барча санитария талабларига жавоб берадиган маҳсус шароитлар яратилиб, банкка ташриф буюрувчи мижозлар учун алоҳида мурожаатлар, тартиб-қоидалар ҳам эълон қилинди. Бирор, бундай хавфсизлик чоралари қанча кучайтирилмасин, ҳар бир киши ўзи учун жавоб бермас экан, бу саъй-ҳаракатларнинг фойдаси йўқ.

Мухтасар айтганда, бугунги мухитда интизом ва қоидалар бежиз жорий қилинмаётир. Бу аввало барчамизинг ҳаёт-мамотимиз учундир. Шуни унумтасак, бўлгани.

Рустам ПЎЛАТОВ

Айни пайтда юртимиз банк тизимида ривожланиш ва трансформация жарайёни изчил давом этмоқда. Ҳар бир банк ўз мижозларига масофадан хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва уларнинг вақтларини тежаш мақсадида турли инновацион хизматларни ишлаб чиқмоқда. Бу борада банкларнинг мобиљ иловаларини кўздан кечирарканмиз, улардаги хизмат турларининг кенгайиши анча илгарилаб бораётганига амин бўлдик.

ИМКОНИЯТ БОРУ АММО...

Афсуски, масофавий хизматлар қанча ривожланманисин, кейинги пайтда банклар олдида аҳолининг тўпланиш ҳолатлари учраб турибди. Ҳатто, турли ижтимоий тармоғи ОАВларда ҳам бу борада танқидий фикрлар билдирилаётгани ўч кимга сир эмас. Ундаги арзлар анон доналирди бир-бирига ўхшаш: банкоматдаги қаҷон пул бўллади? Кредит олишим учун нима қилишим керак? Хориждан юборган пулни олопмаяпман каби...

Биласизми, бундан ўн-ўн беш йил олдин ойнаи жаҳонда банкларда одамлар гавжум бўлса, бу муваффақият сифатида тасвирланарди. Ҳозирги кунда шундай лавҳаларни кўрсанг энсанг қотади.

Буни устига пандемия шароитида ўз-ўзини яккалаш ва масофа сақлашга эътибор кучайтирилаётган, банкларда масофавий хизмат кўрсатиш турлари кенгайётган маҳалда мижозларнинг банкларга ташрифи кўпайиб бормоқда. Бу ҳам етмагандай айrim мижозлар ноҳа бўлса-да ижтимоий тармоқларга банкларни айблаб постлар жойлаштиради, йўқ жойдан жанжал, гавво кўтариб, банкни ёмон отлиғ қиласди. Бу томошани кўрганларнинг барчаси постга ишониб, банкни қоралашга ўтади. Банк ушбу мижознинг чишиига қанча фикр билдириласин, кишиларга бунинг қизигу йўқ.



Шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўрайлик, ҳозир ҳамманинг қўлида смартфонлар бор. Шундай экан, банкка ташриф буюришдан аввал, бормаслик ҳақида ўйлаб кўриш, хизматлар билан танишиш жоиз эмасми?!... Айнича, бугунги пандемия даврида бунинг иложи бор-ку.

Афсуски, кейинги пайтда банклар томонидан коронавирус тарқалишининг олдини олиша қаратилган кўплаб чора-тадбирларига қарамасдан банк ходимлари орасида бу хасталикка чалингандар ҳам учрамоқда, айримлари оламдан ўтиши. Бирор мана шундай ҳолатлар ҳам кишиларни хўшёрликка чорлаётгани йўқ.

Тан олиб айтиш керакки, шу кечакундузда банклар томонидан аҳолига кўпайиб яратиш мақсадида катта ишлар қилинди, бу ишлар жадал давом этмоқда. Айнича, комплекс банк хизматлари кўрсатувчи 24/7 турдаги иҷҳам банк оғисларининг тобора кўпайиб бораётгани барча учун кулай бўлмоқда. Аммо унинг хизматларидан фойдаланувilar камнамо. Фақат ойнинг боши, яни аҳолига мояш ва пенсия нағафларни тарқатилаётган маҳалда нақд пул олиш учун кўпайиб қолади. Мазкур банк хизматлари кўроатувчи масканлардан фақат нақд пул олиш учун бунёд этилмаган. Балки бир қатор банк хизматларидан фойдаланиш мумкин. Лекин айни дамда бу марказлар фақат нақд пул олиш учун ишламоқда, холос.

Хуласа, банклар томонидан яратилаётган кўпайликлар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин, бу кўпайликлардан хабардор бўлиб бориш, фойдаланиш борасида ҳали аҳолидаги кўнинмалар етишмаяпти, назаримизда. Шу боис, айни дамда кишиларни огоҳликка чорлаш, уларни банклар томонидан тақдим этилаётган янги хизматларидан хабардор қилиш долзарблигича қолмоқда.

313 МИЛЛИОН 334 МИНГ СҮМЛИК КРЕДИТ ҚАРЗДОРЛИГИ УНДИРИЛДИ

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит маблагларидан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлантириш баробарида банк манфаатлари, мухими эл-юрт фаровонлигига катта ҳисса кўшаётган тадбиркорлар кўп.



Улар банидан олган қарзларни ўзаро шартномада белгилangan муддатда қайтариб, банк ишончнин оқлаган ҳолда навбатдаги лойиҳаларга йўл очиб бораверади.

Бирор, айрим банк мижозлари бу маъсулиятни унугтан ҳолда кредитни қайтариш муддатларини ўтказиб юбораётгани, соддарок айтганда қарзни қайтarmaётгани

туфайли муаммони ҳуқуқий тартибда кўриб чиқилишига тўғри келмоқда.

Мажбурий ижро бороси Наманган шаҳар бўлими томонидан Учқурғон туманлараро иқтисодий судининг шу йил 23 январдаги ижро варакасига асосан банк ва мижоз ўтрасидаги шартномавий мунобабатга ҳам шу тариқа чора кўрилди.

“Alfa Sirius Trade” масъилияти чекланган жамияти ўз фаoliyatiini ривожлантириш мақсадида “Қишлоққурилишбанк” АТБ Наманган минтақавий филиалидан олган 313 миллион 334 минг сүм кредитни вақтида қайтара олмади. Ўтган давр мобайнида қарздорники бартараф этиш бўйича кўрилган тегишли чоралардан натижа чиқмади ва суд тартибида кўрилиб, қарз ундиришни гаровдаги мулкка қаратиш тўғрисидаги ижро ҳуқуқати чиқарилди.

МИБ Наманган вилояти бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, мазкур ижро ҳуқуқатига асосан давлат ижроиси томонидан корхона тасаррufидаги кўп қаватли уй хатланди ва жорий йилнинг 7 август куни 313 миллион 334 минг сүм кредит қарздорлиги тўлиқ ундирилиб, маблағ “Қишлоққурилишбанк” АТБ Наманган минтақавий филиали ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

ЎЗА

Муслима Мўминова

ВАЛЮТАЛАР КОНТРАБАНДАСИ НИМА?

Бугунги кунда давлатларнинг иқтисодиётига ва ташки савдо фаолиятига салбий таъсир қилувчи ҳолат сифатида валюта қимматликларининг контрабандада ўёли билан бир давлат худудидан бошқа давлат ҳудудига олиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муаммоли ҳодиса кенг тарқалиб бормоқда. Шу боис, валюталар контрабандасига қарши кураш фаолияти билан шугулланувчи мутахассислар ўтрасида ўзаро муомалада "Валюталар контрабандаси" тушунчаликни олди. Бундай ноқонуний фаолиятнинг вужудга келганини бугунги кунда расмий-хукуқий ҳужжатларда ушбу тушунчанинг таърифини ишлаб чиқиш ва унинг қамровини, яъни тарқибий элементларини (асосий белгиларини) кўрсатиш зарурати вужудга келганини кўрсатади.



Аммо бу тушунча янги пайдо бўлганлиги сабабли бугунги кунга қадар ҳалқаро ҳукуқ нормаларида ва давлатларнинг миллий қонунчилигига ҳамда ҳалқаро ва миллий атамалар луғатларидан "Валюталар контрабандаси" тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳалқаро ҳукуқ ва давлатларнинг миллий қонунчилигига "Чет эл валютаси", "Валюта", "Валюта қимматликлари", "Контрабанда" каби тушунчаларга алоҳида-алоҳида таъриф берилган бўлиб, мазкур тушунчалар муомалада ишлатилади. "Валюталар контрабандаси" тушунчасининг мазмун-мөҳиятини ҳар томонлама тўлиқ очиб бермайди. Бу ҳолат "Валюта" ва "Контрабанда" тушунчаларини ўзаро боғлаган ҳолда янги "Валюталар контрабандаси" тушунчасининг таърифини ишлаб чиқишини тақаזו этади.

Ўзбек тилининг изоҳи луғатида валюта тушунчасига қўйидагича изоҳ берилган: валюта – (итал. valuta - қўймат, баҳо лот. valere - кучли бўлмоқ; қадрламоқ, баҳоламоқ) 1 Муййиз давлатнинг пул бирлиги (сўм, танга, доллар ва б.). 2 Пул тизим ининг тури (олтин, кумуш ёки қозог валюта). 3 Хорижий давлатларнинг пуллари, ҳалқаро ҳисоб-китоблари кўлланадиган хорижий пул бирлигидаги кредит ва тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар ва ҳ.к.).

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 дебрардаги "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги 556-II-сонли Қонунининг 4-моддасига асосан2, "Чет эл валютаси – муомаладаги ҳамда чет давлат (чет давлатлар гурухлари) худудида нақд тўловнинг қонуний воситаси бўлган пул белгилари, шунингдек муомаладан чиқарилади. ёки муомаладан чиқарилган,

аммо алмаштирилиши лозим бўлган пул белгилари, чет давлатларнинг (чет давлатлар гурухларининг) пул бирликларида ҳамда ҳалқаро пул бирликларида ёки ҳисоб-китоб бирликларидан банк ҳисобварақларидан ва омонатларидан турган маблағлар" деб изоҳланган.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида чет эл валютаси тушунчасига қўйидагича таъриф берилган: "Чет эл валютаси - 1) тегишил чет эл давлатининг муомаласида бўлган ва қонуний тўлов воситаси хисобланган, шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилади, лекин Ўзбекистон Республикасининг пул белгиси билан алмаштирилиши лозим бўлган банкнот тарзидаи чет эл пул белгиси; 2) чет эл давлатларининг пул бирликларида ҳалқаро ҳисоб-китоб бирликларидаги счётлар ва омонатлардаги маблағлар."

Шунингдек, Найроби Конвенциясининг (09.06.1977 йилда Найробида (Кения) имзоланган "Божхона ҳукуқ-узарликларининг олдини олиш теровс килиш ва уларни бартараф этишида ўзаро маъмурий ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги ҳалқаро Конвенцияси) 1-моддасига кўра Контрабанда – ҳар қандай яширин шаклда божхона чегараси орқали божхона хизматини алдаш ўёли билан товарларни олиб ўтиш ҳисобланади. Юридик энциклопедияда кептирилишича, Контрабанда – мамлакатга олиб келиш ва олиб кетиши таъкидланган товарлар, қимматбахо буюмлар, валюта бойиллари ва бошқаларни давлат чегарасидан қонунга хилоф равишида, яширинча усусларда ўтказиши, шунингдек таъкидланган товарларни олиб ўтиш учун қонуний ҳаракатлар килиш тушунилади. Хусусан, "контрабанда" сўзи итальянча "contra-bando"

("contra" – қарши, "bando" – ҳукумат фармони) сўзидан келиб чиқсан.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалқаро қонунчилик тала-бларига асосан, Ўзбекистон Республикасида "хорижий валюталар контрабандаси" тушунчасига таъриф бериш зарурати мавжуд.

"Хорижий валюталар контрабандаси" тушунчасини таърифлаш ва уни илмий муомалага киритишдан қўйидаги бир қатор мақсадлар мавжуд:

- биринчидан, мазкур йўналишда хизмат қилаётган мутахассислар томонидан ушбу тушунчанинг мазмунини тушуниш, назарий билим сифатида ўрганиш;

- иккинчидан, ҳукуқий ва хизмат ҳужжатларида валюталар контрабандаси билан боғлиқ юзага келган вазияти ёритишида мазкур тушунчадан фойдаланиш;

- учинчидан, валюталар контрабандаси билан боғлиқ жиноятларни суриштирув ва теров қилиш жараёнидан гумонланмаганларнинг ҳаракатларига ҳукукий баҳо берниша фойдаланиш кабилардан иборат.

Юқоридаги изоҳлардан келиб чиқиб, хорижий валюталар контрабандасига қўйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: "Хорижий валюталар контрабандаси – бу хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси хисобланган валюта маблағларининг давлат чегараси орқали қонунчиликда ўрнатилган тартиби бузган ҳолда олиб ўтиш бўлиб, улар учун тегишил мамлакатнинг ҳукуқий нормаларига мувофиқ санкциялар назарада тутилади".

Хулоса қилиб айтганда, хорижий валюталар контрабандаси тушунчасини ҳукуқий ҳужжатларда расмий тушунча сифатида киритиш зарурати мавжуд.

**Фарход ГАФУРОВ,
ДБҚ Божхона институти
ўқитувчиси**

ЭЪТИРОЗ

Монополияга қарши курашиш қўмитаси раҳбариятининг Хоразм вилоятида ўтказилган сайёр қабулида бир гурух тадбиркорлар томонидан узоқ муддат давомида ҳал қилинмай келаётган муаммоли масала бўйича мурожаат қилинди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ҲАРАКАТСИЗЛИГИ ТУФАЙЛИ 13 ТА ТАДБИРКОР САРСОН

Жумладан, Ургач туман ҳокимлиги томонидан 2018 йилдаги қарор билан "Обод маҳалла" дастури асосида Ургач тумани Ғалаба қишлоғи Қумравот маҳалласи худудидан жами 13 та фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари жами 0,5 га ер ажратиб берилган.

Ушбу қарорга асосан фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тасдиқланган лойиҳалар асосида қурилиш ишлари бошланган ва аксарият объектлар эса қуриб битказилган. Ҳудудда ёшлар меҳнат гузари, 75 ўринли мақтабгача таълим муассасаси, иккита хусусий клиникалар, ҳаммом, гўзаллик салони, тикувчилик цехи, мебел ишлаб чиқариш, этикдўзлик ва ҳунармандчилик устахоналари, савдо ва маший хизмат кўрсатиш шоҳбочлари ташкил килиш учун тадбиркорлар томонидан жами 6 млрд. сўм маблағлар сарф қилинган.

Бироқ, туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қабул қилган қарорлари вилоят ҳокими қарор билан маъқулланмаганлари оқибатида курилган объектлар учун тадбиркорларга эгалик ҳукуки берилмаган ба бу иш фаолиятини бошлашларига ёки қурилиш ва жиҳозлаш ишларини давом этиришига тўсиқ бўлиб қолган.

Мазкур тизимли муаммо жойига борган ҳолда ўрганиб чиқишида ва объектларда амалга оширилган ишлар билан танишиб, мазкур ер майдонларининг иқтисодий самараси ҳақида сухбатлашилди.



Қайд этилган объектларни ишга тушириш орқали жами 12 млрд сўмдан ортиқ инвестициялар (шундан 1 млрд сўмдан ортиқ банк кредити) жалб қилиниши ва ахолининг 130 нафардан ортиги доимий иш ўринлари билан банд этилиши маълум бўлди.

Ўрганиш натижалари бўйича мазкур муаммоли масалани Ҳукумат даражасига кўтарилиди ва ўрнатилган тартибда ҳал этиш юзасидан Хоразм вилояти ҳокимлигига 2020 йилнинг 1 июлига қадар муддат берилди.

Лекин, ушбу муддатда ҳам масала ҳал этилмаганлиги сабабли Кўмита томонидан Хоразм вилоятини ҳокимлигига нисбатан "Рақобат тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси талаблари бузилиши бўйича иш қўзатилди.

Ушбу чорадан сўнг Хоразм вилоят ҳокимлиги Ургач тумани Ғалаба қишлоғи Қумравот маҳалласи худудидан жами 13 та фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаб берди. Натижада, ушбу ҳудудда иш фаолиятини бошлай олмаётган 13 та фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига қурилиш ишларини яқунлаш ва фаолиятини йўлга қўйишлари учун шароит яратилди.

**Монополияга қарши курашиш қўмитаси
Матбуот хизмати**

Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.2020 йилдаги “Капитал, товар ва хизматлар (ишлар) экспорти ҳамда экспортни қўллаб-куватлаш билан боғлиқ фаолиятни суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низомин тасдиқлаш ҳақида”ги 477-сон қарори қабул қилинди.

Хујжат Президентнинг 2.08.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривоҷланшишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорига мувофиқ қабул қилинган.

Низом экспорт қилувчи-лар ва уларнинг экспортга ўйналирилган фаолиятини моддий ва молиявий қўллаб-куватловчи шахсларнинг мулкий манфаатларига суғурта ҳимоясини тақдим этиш шартларини белгилайди.

Экспорт юкларини ва уларни ташишларни суғурта қилиш ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига ҳамда “Инкотермс” халқаро қоидаларига мувофиқ тижорат ташкилларига бўлган тегишли турдаги суғурталашни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Суғурталаниши лозим

бўлган бир нечта таваккалчиллик турлари – сиёсий, тижорат, логистика таваккалчилклари мавжуд. Ким (экспорт қилувчи ёки экспорт қилувчини молияловчи шахс) суғурталанганлигига қараб турли суғурта шартномалари тузилади.

Экспорт қилувчи суғурта қилдирувчи бўлганда, куйидагиларни суғурта қилиш шартномаси тузилади:

экспорт шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарил маслигини;

товар ва хизматларни (ишларни) етказиб берувчи кредитини;

экспорт қилувчининг дебитор қарздорлигини;

логистика таваккалчилкларини;

инвестицияларни.

Молияловчи шахс суғурта қилдирувчи бўлганда куйидагиларни суғурта қилиш шартномаси тузилади:

харидор кредитини;

экспорт факторингини;

экспорт қилувчининг ай-



ланма маблағларини тўлдириш кредитини ўз вақтида

қайтарилмасигидан;

тасдиқланган аккредитини;

кафолат ёки кафилликни; лизинг фаолиятини.

Суғурта шартномалари-ни тузисда куйидагилар

тақиқланади:

сиёсий таваккалчилклар (суғурта билан қолланмайдиган заарнинг бир қисми) бўйича шартсиз франшиза ўрнатилиши;

шартсиз франшиза миқдори;

тижорат таваккалчиллари бўйича — суғурта пулининг 50%идан ортиқ бўлиши;

логистика таваккалчиллари бўйича — суғурта пулининг 5%идан ортиқ бўлиши;

кутиши даери:

сиёсий таваккалчилклари бўйича — 180 календарь кундан ортиқ бўлиши;

тижорат таваккалчиллари бўйича — 90 календарь кундан ортиқ бўлиши;

логистика таваккалчиллари бўйича — 30 календарь кундан ортиқ бўлиши.

Суғурта қилдирувчи ариза ва хужжатларни суғурта-ловчига бевосита, почта орқали ёки электрон шаклда тақдим этишлари мумкин.

Шунингдек Низомда куйидагилар қайд этилган:

суғурта шартномаларини тузисда тартиби;

суғурта шартномасининг валиятуси;

зарарни кўриб чиқиш, суғурта товонини аниқлаш ва тўлаш тартиби.

norma.uz

(Бошланиши 1-саҳифада)

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, бошқариша ва хисоботини юритиш юклатилмоқда.

Шу билан бирга, Бош вазир ўринbosari ў. Барноев раҳбарлигига (Ж. Ходжаев – ўринбосар) Ички гурухи тасдиқланни, унга Лойиҳа ихросини мувофиқлаштириш, жалб қўлинаётган 500 млн. доллар маблаб доирасидаги ҳар бир лойиҳани асослиги ва мақсадга мувофиқлигини ўрганиш юклатилмоқда.

2. Лойиҳа доирасида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари этиб куйидагилар белгиланмоқда:

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва “Даладан дастурхонгача” тамойили асосида маҳсулот этишиш;

экспортни рағбатлантириш, халқаро бозорларда рақобатбардош, экспортбон юқори қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида қулай агробизнес мұхитини ва кўшилган қиймат занжирин яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармогини диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини камайтириш, кооперация тизимини ривожлантириш ҳамда соҳанини инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланиш;

соҳага бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сервисини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариши билан интеграциялашган самарали тизимини яратиш;

қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, статистик маълумотларни тўлаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН 500 МЛН. ДОЛЛАР

ишончли ва шаффоф усулларини жорий этиш.

Ҳисоб палатасига Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши, сарфланиши ва натижадорлиги устидан доимий назорат ўрнатиш ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бориш юклатилмоқда.

3. Қарор билан куйидагилар:

“Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича натижасига ҳамда унинг асосий кўрсатичларидан;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси билан ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Ҳалқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш схемаси;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси билан ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳаридори тараққиёт уюшмаси кредитидан фойдаланиш ва уни қайтириш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси билан ҳалқаро тараққиёт уюшмаси кредитидан фойдаланиш ва уни қайтириш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси билан ҳалқаро тараққиёт уюшмаси кредитидан фойдаланиш ва уни қайтириш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси билан ҳалқаро тараққиёт уюшмаси кредитидан фойдаланиш ва уни қайтириш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси билан ҳалқаро тараққиёт уюшмаси кредитидан фойдаланиш ва уни қайтириш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали;

ракқиёт уюшмаси имтиёзли кредитидан фойдаланиш ва уни қайтириш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали;

2021-2025 йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт хажмларининг прогноз кўрсатичлари тасдиқланмоқда.

4. Мазкур қарорни қабул қилиниши натижасига:

Республикадаги 80 фойз фермерларнинг ўзаро келишув асосида кооперацияларга бирлашув таъминланади.

12 мингта фермерлар томонидан замонавий энергия тежовчи технологиялар жорий қилинади.

10 мингектар ер майдонларининг агротехнологик хараталари янгилаши, элита ва супер элита уруг ва кўчтапар ишлаб чиқариш жамжи 30 фойзга оширилади.

Мева-сабзавотларининг жами экин майдонларидаги улуши 20 фойздан (776 минг га) 30 фойзга (1 млн га) ошиади.

Республикада 2 850 га кўргазмали замонавий интенсив боғлар, 27 та мева-сабзавотчилик кооперациялари ташкил этилади.

Лойиҳа доирасида кўрсатиладиган хизматлар оқарилини иштеп олинишни 75 фойзи қамраб олинади.

15 000 та янги иш ўрнинари (аёллар учун 2 250 та) яратилади.

Республика ва барча вилоятларда “ягона дарча тамойили” асосида давлат-хусусий шерхлик шартларида ташкил этиладиган АгроХизматлар марказлари (соҳадаги барча вазирлик ва идораларининг худудий бўлимлари ва кишлоқ хўжалигини мазмунни ва ишни ташкил этиш механизми тушунтириб берилади.

хизматлар кўрсатилади.

Бунда 40 дан ортиқ янги турдаги инновацион, жумладан геоахборот тизимлари, дрон хизматлари йўлга кўйилади, ҳалқаро стандартлар, “Organic”, “Global G.A.P” ва “Halal” сертификатлари жорий этилади.

Қоракалпогистон Республикасида 8 та, Андижонда 4 та, Бухорода 3 та, Жиззахда 2 та, Қашқадарёда 3 та, Наманганда 5 та, Навоийда 3 та, Самарқандда 5 та, Сирдарёда 4 та, Сурхондарёда 3 та, Тошкент вилоятида 3 та, Фарғонада 3 та, Xоразмда 4 та Элита уругчилар хўжаликлири уруғларни саралаш, калиброка қилиш, дорилаш, қадоқлаш техникалари билан тўлиқ жиҳозланади ва уруғларни сақлаш бўйича замонавий омборхонага эга бўлади.

Натижада ишлаб чиқариш харажатлари 30-40 фойзга камаяди, ҳар бир экин тури навларининг авлоди бўйича сифатли уруғларни етишириш миқдори 50 фойзга, уларнинг ҳосилдорлиги 100 фойзга ошиади;

Бухорода 500 га, Андижонда 300 га, Жиззахда 250 га, Қашқадарёда 200 га, Наманганда 300 га, Самарқандда 300 га, Сурхондарёда 200 га, Тошкент вилоятида 500 га, Фарғонада 300 га, майдонда янги усулдаги замонавий интенсив боғлар яратилади.

Бухорода 200 минг тонна, Хоразмда 200 минг тонна бўлган агрологистика комплекслари барпо этилади.

Республика Ички гурухи (Қишлоқ хўжалиги вазирини ишлаб чиқарилиши) томонидан худудий ишчи гурухлари учун Тошкент давлат агар университетида ётти кунлик семинар ташкил этилиб, Унда ҳар бир вилоят кесимида қилинадиган ишларнинг мазмунни ва ишни ташкил этиш механизми тушунтириб берилади.

УОРРЕН БАФФЕТ БАНКЛАР АКЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ЮБОРДИ

Уоррена Баффеттинг Berkshire Hathaway компанияси JPMorgan ва WellsFargодан бошлаб то Visa ва Mastercard сингари молиявий компаниялардаги айрим акцияларини, шунингдек Goldman Sachsнинг барча қимматли қозғаларини сотиб юборди. Бир пайтнинг ўзида олтин қазиб олиш билан шугулланувчи Barrick Gold компаниясига тегишил акцияларни сотиб олди.

Уоррен Баффеттинг Berkshire Hathaway компанияси иккинчи чорақда Американинг йирик банклари ва молиявий компаниялари акцияларининг айрим қисмларидан кескин равишда сотиб кутулгани, шунингдек Barrick Gold олтин қазиб чиқарувчи компания-сининг акцияларидан сотиб олгани ҳақидаги маълумот Berkshire Hathawayнинг Қимматли қозғалар ва биржалар бўйича Комиссия (SEC)га тақдим этилган 13F* шаклидаги хисоботда қайд этилган.

Маълумот ўрнида айтиш лозим, 13F шаклидаги хисобот Американинг Қимматли қозғалар ва биржалар бўйича Комиссиясига бошқаруvida 100 миллион АҚШ

долларидан юкори қийматли активларга эга инвестицион компаниялар томонидан ҳар чорақда тақдим этилади.

Xусусан, Berkshire Hathawayга тегишил молиявий компаниялар портфеллари қуйидан ўз бошидан ўтказди:

JP Morgan акцияларидаги позициялар 62 фоиз қискарди;

Wells Fargo акцияларидаги позициялар 26 фоиз қискарди;

Shunongdek, PNC Financial, M&T Bank, Bank of New York Mellon, Mastercard ва Visa компанияларидаги акциялар позициялари қискарди;

Goldman Sachs акцияларидаги барча позициялар бутунлайл тутагилди.

Шу билан бирга, Berkshire Hathaway



Kroger, Store Cap ва Suncor Energy компанииларидаги акцияларни қисман қўлпайтириди. Бироқ иккинчи чорақда сотиб олган янги акциялар жамланмаси Barrick Gold олтин қазиб олувиши компаниясига тегишил бўлиб, ушбу хариднинг умумий қиймати 564 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Barrick Gold акцияларини сотиб олиш ҳақидаги қарор Уоррен Баффеттинг ўзи ёки унинг ҳамкашаблари томонидан қабул қилингандиги хозирча номаълум. Бироқ сўнгги ўн йилликда таникли инвестор бир неча марта олтин бўйича тақдидий мулоҳазаларини баён қўлганди. Ушбу мавзудаги маърузаларидан бирини у Гарвардда 1998 йилда билдириган нутқида қуйидаги фикрларни ифода қилганди:

"Олтин Африка қитъаси ёки бошина яна аллақаерлардан қазиб олинади. Сўнгра уни қайта яна қаергадир қайтадан кўмиб қўйиб, уни қўриқлаш учун катта маблаглар эвазига ишчилар ёлланади. Ундан деярли фойда йўқ. Бу ҳолатга Марсадан қараб турган ҳар қандай инсон бошини қашиб қўйиши турган гап."

Goldman Sachs мутахассислари қайд этганидек, Мексика, Бразилия, Хиндистон, Россия ва ЖАР сингари мамлакатлар акциялари нисбатан жозибадор ҳисобланади.

GOLDMAN SACHS: РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР БАНКЛАРИНИНГ АКЦИЯЛАРИ ФОЙДАЛИ

Айнан пайтда бозор ривожланётган мамлакатлар банк акцияларини ўта пессимистик баҳолаётган бўлишига қарамай, Мексика, Бразилия, Хиндистон, Россия ва ЖАР мамлакатлари юкори даражали ўшиш истиқболига эга, деб ҳисоблаяти мутахассислар. Улар йил бошидан бўён MSCI индексига кирувчи ривожланётган мамлакат банкларининг қимматли қозғалари таҳминан 25 фоизга арzonлашди. Худди шу пайтда технология компанияларини қимматли қозғалари таҳминан 16 фоизга ўсади.

Жорий йилда банклар акциялари бутун дунёда ҳам арzonлашади: ҷумлада, ЕМ мамлакатларида ҳам, DM мамлакатларида ҳам. Аммо ЕМ мамлакатларининг аксар банклари паст фоиз ставкаларида ҳам DM банкларига нисбатан илгарилаб кетаётган ривожланётшини кўрсатмоқда.



Goldman Sachs ривожланётган мамлакатлар иктисадиётининг ўшиш истиқболини тақдидий баҳолаётган инвесторларга барibir ҳам ЕМ банклари акцияларини ҳарид қилиши тавсия этимоқда.

BCS Global Markets ҳам Россиянинг "Сбербанк" акцияларини ҳарид қилиш маъкул эканлигини қайд этимоқда. Сабаби унинг хусусий сармоюси етарила бўлиб, келажақда 50 фоизлик дивидендерни ҳам тўлай олиш қобилиятига эгалити таҳмин қилинмоқда.

Хитой Марказий банки мамлакатларнинг суверен қарзини сотиб олиши мумкин, дейилади Bloomberg агентлиги хабарномасида.

Таҳмин қилинишича, Хитой Банки июн ойда маҳаллий банклардан мамлакатлар суверен қарзларини сотиб олган бўлиши мумкин. Хитой давлат қарзларининг эмиссияси рекорд даражада турган бир пайтда мамлакат Марказий банкининг бундай йўл тутишидан кўзланган мақсад нималиги бўйича кўплаб таҳлилчилар бошини қотирмоқда.

"Бошқа" инвесторларга тегишил Хитойнинг суверен бондлари ҳажми июль ойида 196,5 миллиард юнга ўсади ва жами ҳажми 1,78 триллион юнга етди, дейилади Хитой депозитар кипиринг корпорацияси Bloomberg-га тақдим этган маълумотда.

Бу эса агентлик бу турдаги статистик маълумотни юритишни бошлаган 2018 йилдан бўён кузатилган рекорд натижадир. Шу боис Citic Securities дан тортиб то Nomura Holdings ва GF Securities инвестициявий компаниялар мутахассислари ушбу ҳаридларнинг катта қисмини Хитой марказий банки амалга оширгани бўйича таҳминини илгари сурмоқда.

Илгарироқ банк вакиллари ривожланган мамлакатлар марказий банклари амалга ошираётган ис-



Хитой Банки ўз QEсини ишга туширдими?

лоҳотлар сингари активларни ҳарид қилиш дастурини ишга тушириш режалаштириётгани ҳақида баён қўлишганди. Бундан ташқари, Хитой банки бозор ставкаларининг кескин тушиб кетиши ва ликвидилик борасида катта талофтот кўрилмаслиги учун ҳатто коронавирусли инқизор даврида ҳам монетар рагбатлантариши чегаралаб қўйди. Айни пайтда тартибида соловчи ҳукуматнинг бюджет сиёсатини кўллаб-куватлашга тайёрлигини билдириб ўтди.

Ўтган ҳафтада Хитой банки мамлакатнинг молия вазирлиги билан ҳамкорликда суверен облигациялар савдосини енгиллаштириша кири-

шишини маълум қилди, бироқ бу йўлда айнан нима ишлар амалга оширилиши қайд этилмаган. Таҳлилчилар жорий йилда режалаштирилган рекорд даражадаги эмиссияни қоплаш орқали маҳаллий банкларга кўмак бериси борасидаги таклифлар инобатта олинишини куттган эди.

"Марказий банк суверен облигацияларни ҳарид қилган бўлиши эҳтимоли катта", - дейди Citic Securities таҳлилчилари Минг Минг. - "Эҳтимол, бу билан Хитой Банки активларни ҳарид қилиш дастурини ишга тушириши эмас, балки реал иктисодийётни молиялаштириши истаган бўлиши мумкин. Тартибида соловчи

"вирусга қарши" бондларни ҳарид қилимокда, унинг савдосидан тушган маблаг барқарор даромад келтирувчи лойиҳаларни ишга туширишга сарфланади".

Умуман олганда, айрим иктисадчилар ҳамма маълумотта ҳам ишониб кетавермаслини маслаҳат беради. Эҳтимол, Хитой МБ иккимачи бозорда у-бу нарса ҳарид қилган бўлиши мумкин, аммо вазияти янада яқиндан баҳолаш учун кўшимча маълумотлар талаб этилади. Масалан, тартибида соловчининг июль ойидаги молиявий хисоботини ўрганиши керак, дейди Nomura Internationalning Хитой бўйича бosh ҳисобчи Лю Тинг. Бу борадаги ҳуложат яқин келажақда эълон қилиниши кутилмоқда.

ANZ иктисадчиси Ксинг Жаопенг фикрига кўра, суверен облигациялар хорижий марказий банклар томонидан Хитой Банки билан своп келишувлар доирасида ҳарид қилинган бўлиши мумкин.

Бироз муддат аввалин Хитой молия вазирлиги ишидан хабардор таҳлилчилар мамлакат марказий банки давлат қарзининг муйайн қисмини сотиб олиши лозимлигини ёзган эди. Бундай чоранинг кўлланниши мамлакат ҳукуматининг бозордаги шароитлардан қарамаглигини кескин камайтиради, деб таъкидланмоқда. Қонунга асосан, Хитой Банки бирламчи бозордан давлат қарзини сотиб олиш ҳукуқига эга эмас.

БОБУР МИРЗО МУЗҚАЙМОҚНИ ИХТИРО ҚИЛГАН

Албатта, буюк саркарда ва давлат арбоби Захиридин Мұхаммад Бобур ўзи билмаган ҳолда музқаймоқни ихтиро қилган. Яғни, Ҳиндистонга юриш вақтида Бобур Мирзо аскарла-ри билан қынинчилік ва машаққат тортиб Помир тоғларидан ўтади.

Биласиз, ҳатто ёзда ҳам төгдә қор бўллади. Ваҳоланки, у қиши вақти у ерлардан дардан. Бобурга атъенлари кечкурун ичасиз, деб сут берадилар. Сутни эса кечкурун ичмай, эрталаб ичаман деб, уни қор тагига кўмади. Эрталаб қараса қаймоқли сут худди музқаймоқ сингари қотиб қолган бўллади. Бобур ёнидагилар билан ўша



музқаймоқни ялашади. Шунда у "Бу сутни музлатиб еса ўзиға хос мазали бўлар экан" дейди. Шундай қилиб, тарихимизда "Биринчи музқаймоқ" пайдо бўлган.

Шундай экан, фалон нарса фалон давлатда яратилган дейищдан аввал ўз юртимиз тарихини ўргансак яхшироқ бўлар эди.

ЧИНДАН ҲАМ КАМБАҒАЛНИ ТУЯНИНГ УСТИДА ИТ ҚОПАДИМИ?



МАСАЛ

Бир қишлоқдан Буюк ипак ўйли ўтган эди. Қишлоқ ахли тижорат орқали бу ёғи Хитой, Қашғар, Ҳиндистон, Кашмир, Бадахшон, Туркистон; буёти Марв, Балх, Мозандарон, Маккатилло, Миср, Андалусияга бориб савдо-сотик қилиб жуда форовон яшаширади. Шу қишлоқда бир дангаса одам бўлиб камбагалиқда жуда ноҷор ҳаёт кечираради. Ўна одамлар сен ҳам савдогарлик қил деб ҳаммалари келишиб оз-оздан пул йигиб, мажбуран түя олиб беришган экан. Тужорлар, бозоргонлар уни ўзлари билан сафарга бошлаб олибди. "Ит ҳуарар карвон ўтар" дегандай бир овлуга етганларидан бир қолғон ит карвонга хуриб ташланиди. Камбагал эса азбаройи ялқовлигидан туясининг устида ҳам тўнининг этакларини йигиштириб олмаган экан. Ит айнан шу одамнинг этакларидан тортиб пастга тушириб олиб тишилабди. "Камбагални туянинг устида ҳам ит қопади" деган мақолнинг келиб чиқишига ана шу воеа сабаб бўлган экан.

Қиссадан хисса: ба мақон камбагаллик омадсизлик белгиси эмас, аксинча, қашшоқликка ялковлик, дангасалик, хафсаласизлик сабабчи бўлиши ҳақида экан.

Электрли балиқни ким аниқлаганини биласизми? Абу Райхон Беруний ўзининг "Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар" асарида шаҳсан ўзи шундай балиқни кўрганини ёзади.

Тропик иқлимда жойлашган Сарандиб ҳудуди томонда, қайсиadir сув ҳавзасида шундай балиқ борлигини, ким уни ушласа қўли фалаж бўлиб қолишини, ҳатто қамишининг бир учини балиққа теккисса ҳам киши фалажланиб қолишини ёзади. Албатта у пайтда электр токи ҳақида тушунча бўлмаган. Шунинг учун аллома

Бутун дунёда 25 август - Анна Германни хотирлаш куни сифатида белгиланган. Аслида эса уни хотирлашга бизнинг миллат ҳақлироқ. Чунки дунёга машҳур қўшиқчи Анна Герман эса ўзимизнинг Хоразмда туғилган.



АННА ГЕРМАН ЭСИНГИЗДАМИ?

Унинг ҳаётида ибратли жиҳатлар кўп. Айниқса, у аварияга учраб, ногирон бўлиб қолганида оиласи, эри жуда катта садоқат кўрсатган... У аслида поляк миллатига мансуб. Анна Германнинг Урганчда туғилиб вояга етгани, умуман Хоразмда яшаган поляклар мавзусига бағишилаган тадқиқотлар кам.

Анна Герман ҳаёти ва ижоди-нинг россиялик тадқиқотчиси Иван Ильичевнинг аниқлашича, "Анна Германнинг онаси Ирма Мартенс, турмуш ўртуғи Збигнев Тухольский-лар фикрига кўра, машҳур хонанда ҳаётидаги энг катта армони туғилган юрти Урганчга вояга етгач умуман боролмагани, концерт кўялмагани экан".

ИБН СИНО БЕШИГИДАН ЎФИРЛАНГАН ЁПИНЧИК

Абу Али ибн Сино гўдаклигига хонадонга боскинчи кириб, бешиги устидаги зарҳал ёпинчики ўғирлаб кетишган. Орадан 20 йиллар ўтгач, узоқ шаҳарда юрган Ибн Сино ўша кимсанни учратиб, ёқасига чанг солади.

"Сен гўдаклик пайтимда уйимизга бостириб кириб, бешигим устидаги зарҳал ёпинчики ўғирлабсан", дейа қозихонага судрайди. Ҳалиги киши аввалига ҳеч нарсани эслай олмайди. Ниҳоят, суриштирув натижасида у киши йигрима йиллар муқаддам аскарлика ёлланиб, Бухорога боргани, ўша ерда сафдошлари билан тинч аҳолининг ўйларини талаганини тан олади. Айтмоқи буюк аллома 6 ёшидаёт Куръони Каримни хатм қўлган, яъни тўла ёд олган.

Сахифани Шукур ЖАББОР тайёрлади

ЭЛЕКТРНИ БЕРУНИЙ КАШФ ҶИЛИШИГА БИР БАҲЯ ҚОЛГАН

ток уришни "фалажланиш" деб изоҳлайди. Беруний ўнга бу кароматли, илоҳий нарса билан боғлиқ бўлмаган бошқа нарса

бўлиши керак деган. Бизнингча, энг катта таҳмин билан айтиш жоизки, ўша балиқ скат ёки электр лаққа бўлган.

Мирзо Улугбек самодаги ҳар бир юлдузниг жойлашув ўрни ва ҳаракатини ёддан билган. Тарихи Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Мирзо Улугбек овни ниҳоятда хуш кўрган ва ҳар галги ов таассурларини бир дафтарга қайд этиб борган.

МИРZO УЛУГБЕК ЙЎҚОТГАН ДАФТАР

Кунларнинг биррида ўша дафтар йўқолиб қолади. Кеини ҳукмдор янги бир дафтарга барча ов хотира-ланни қайта ёзиб чиқади. Орадан кўп ўтмай, йўқолган дафтар ҳам топилиб қолади. Янисига билан солиштирилганда, деярли бирорта фарқ топилмайди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЬҮЛЬ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги
ўзА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Юнусобод т.

Осси кўчаси 1а

e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

Чоп этишга тайёрловчи:

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Газета таҳририятнинг техник

ускуналарида саҳифаланди.

"PRESS PRINT" МЧЖ Тошкент вилояти, Ўқори-чирчиқ тумани Йик-Ота, кўча Оқибат, 50

Таҳририятнинг факат ёзма розилиги билан
"Банк ахборотномаси" да ёзлон қилинган

материалларни қўнірб бошишга ижозат берилади.

Кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рагами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта –

пайшанба куни чиқади.

Букорта № 0203 А-1385

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишига руҳсат этилди: 18.08.2020 й.,

PRESS PRINT LTD

1 2 3 4 5 6